

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

**5141500 - Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари таълим йўналиши
ШАХС ВА УНИНГ ЭРКИНЛИГИ МУАММОСИ.**

мавзусида бажарилган

РЕФЕРАТ

Бажарувчи: Садулла Эрданов
Қабул қилди: Б. Тошбоев

ЖИЗЗАХ - 2012

ШАХС ВА УНИНГ ЭРКИНЛИГИ МУАММОСИ.

Режа:

1.1 Ҳозирги замон илмий - фалсафий адабиётларда шахс

муаммоси

1.2 Эркинлик тушунчаси. Эркинлик муаммоси хусусидаги

концепциялар

1.3 Ҳуқуқ-шахс эркинлигини рўёбга чиқаришнинг муҳим шарти

1.1 Ҳозирги замон илмий-фалсафий адабиётларда шахс муаммоси

Шахс моҳиятининг кўпгина муҳим қирралари, унинг табиатидаги қатор жиҳатлари, имконияти, бажариши лозим бўлган вазифалари ва ҳоказолар қадимги даврдан бошлаб инсониятнинг бутун тарихи давомида кишилар диққат марказида бўлган.

Фалсафада шахс муаммоси - бу, энг аввало, инсоннинг моҳияти, унинг дунёдаги, тарихдаги ва жамиятдаги ўрни муаммосидир. Муайян ижтимоий муносабатлар муайян тарихий типдаги шахснинг шаклланиш жараёнида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Антик давр одами учун энг асосий деб яхши фикрлар, интилишлар, истаклар ҳисобланган ва улар ижтимоий амалиётда қанчалик рўёбга чиқишига умуман олганда катта аҳамият берилмаган: «Ахлоқий фазилатлар ниятлар билан боғлиқликда кўзга ташланади» (Арасту), «Инсонни фақат унинг ишларига қараб эмас, интилишларига қараб ҳам баҳолаш лозим» (Демокрит).

Антик давр мутафаккирлари назарида чинакам шахс деб шундай одамни айтиш мумкинки, биринчидан, у ахлоқли, иккинчидан, ақл-идрок эгаси, учинчидан, бошқалар билан мулоқотга киришадиган, тўртинчидан сиёсий ва давлат мавжудотидир.

Ўрта асрлар бизга шахснинг бошқача типини кўрсатди. Мазкур давр учун жамиятнинг табақаланганлиги, касталарга бўлиниши ва қатъий корпоративлик хосдир. Шу сабабли муайян табақага, кастага, сеҳга, гилдияга мансублик, унинг қонунларига, одатларига, анъаналарига бўйсунуш шахснинг индивидуал сифатларининг намоён бўлишидан кўра муҳимроқ ва кучлироқ эди.

Фақат янги даврга келиб айрим олинган инсон шахсининг қиммати, автономлиги, ўзига хослиги қарор топади. Бу, айниқса, ижтимоий-сиёсий фикр учун хосдир. Ижтимоий фаоллик, тадбиркорлик, онгли ва фойдали фаолият, мустақиллик, индивидуализм, шахсий маъсулият, ўз кадр-қимматини

билиш туйғуси - мана булар шахснинг ғарб, европа-америка концепциялари юксак кадрланадиган сифатлари ҳисобланади¹.

Шахснинг Шарқ модели эса бошқачарокдир. Шахснинг шарққа хос моделининг бир нечта модификацияларини ажратиб кўрсатиш мумкин (ислом, будда, конфутций ва хакозо). Шундай бўлса-да, улар ўртасида уларни шахснинг Ғарб моделидан ажратиб турувчи муайян муштаракликлар мавжуд.

Шахснинг Шарқ типига хос асосий хусусиятлар қуйидагилардир: маъсулият ва мажбуриятларнинг инсон ҳуқуқлари олдида устуворлиги, ҳуқ-атвордаги традиционализм, ҳуқ-атворнинг, жамоавий моделларининг индивидуал меъёрлардан устунлиги, сотсиумга кўпроқ қарамлик, ижтимоий мухит билан алоқанинг кўплиги.

19 асрнинг охири - 20 асрнинг бошларида шахс муаммосини ўрганишга бўлган интилиш узлуксиз ошиб борди. Бундай интилишлар натижаси турли фалсафий йўналиш ва оқимларда ўз ифодасини топди. Ана шундай оқимлардан бири - персонализм эди.

Персонализм - шахс маданиятининг олий чуққиси, олам эса ўша олий кадрият - шахснинг ижодий фаолияти туфайли ўзгариб туради, деган ғояларни илгари сура бошлади. Персонализмнинг асосида латинча «персона» яъни «шахс» сўзи ётади.

Персоналистик ғоялар дастлаб 20 асрнинг бошларида Россияда (Н. Бердяев, А. Жестов, Н. Лосский), АҚШда (Б.Боун, Ж.Рейе, У.Хокинг, Э.Брейтмен), Францияда (Э.Мунье, Ж.Лакруа, П.Рикер, П.Ландсберг) пайдо бўла бошлади.

Кейинги йилларда инсон шахси муаммоларини ўрганишда икки йирик ёндашув ўртасидаги тортишувлар йилдан-йилга кескинлашиб бормокда. Хусусан, «инсон потенциали» тарафдорлари билан «инсоннинг кадр-қиммати»ни улуғловчи шарқона ёндашув ўртасидаги ғоявий-назарий зиддиятлар кучайиб кетди.

«Инсон потенциали»ни улуғлаш нуқтаи назаридан ўрганишни АҚШнинг Калифорниядаги Исален институти, Майндаги Миллий ўқув лабораторияси ходимлари томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларида кўришимиз мумкин. Ушбу илмий муассасалар томонидан яратилган инсон шахси ҳақидаги концептуал ғоялар АҚШ фукаролар турмуш тарзини инсонпарварлаштириш учун йирик аҳамиятга эга бўлган маданий-маърифий кучга айланмокда.

Шахс муаммоларини шарқона «инсоннинг кадр-қимматини улуғлаш» нуқтаи назаридан таҳлил қилишда, кишининг руҳий-маънавий камолоти, ҳуқ-атворини шакллантиришда, ундан ташқарида турувчи илоҳий қудрат ва диннинг, миллий ва умуминсоний кадриятларнинг роли, ахлоқнинг таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини тавсифлаш билан ажралиб туради.

¹ Аҳмедова. М. Фалсафа. Т., 2006, 354-бет.

Америкалик файласуф олим, прагматизмнинг асосчиларидан бири - Уильям Джеймс(1842-1910) фикрига кўра, шахс - инсон онглилиги тавсифидир. Инсон онглилиги эса икки муҳим: билинган ва билиниши зарур бўлган элементлардан ташкил топади. Онглиликдаги билиб олинган элемент - «Шахс», билиниши зарур бўлган элемент - «Мен»дир. Худди шунинг учун ҳам «Шахс» ва «Мен» ўртасидаги ўзаро алоқадорлик механизмини билиб олиш - инсоншуносликнинг энг муҳим муаммоларидан биридир.

Уильям Джеймс ёзганидек, нима ҳақида ўйламай, нима ҳақида фикр мулоҳаза юритмай, ўзимни борган сари чуқурроқ тушуна бошлайман, шахсий мавжудот эканлигимни била бошлайман. Шу билан бирга бу ахир менинг фикрларим, ўйларим эканлигини тушунаман. Шунинг учун ҳам ушбу ўйлар, ҳаёллар, ўзим ҳақимдаги фикр - мулоҳазаларимнинг икки томони мавжуд эканлигига ишонаман. Унинг бир қисми билинган, иккинчи қисми билиниши лозим бўлган, бир қисми объект, иккинчи қисми эса субъектдир. Фикр - мулоҳазадаги бу икки томоннинг фарқига бормоқ лозим. Билиб олинган қисми - «Шахс», билиб олинниши зарур булган қисми - «Мен»дир.²

Шахс ижтимоий фазилатлари атроф-муҳитнинг унга кўрсатган таъсирига боғлиқ бўлади. Чунки атроф-муҳит шахс ҳулқ атворининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида инсон ҳулқ-атворини атроф-муҳитга мос ёки мос эмаслигига қараб шахснинг ижтимоий фазилатлари аниқланади.

Собиқ Совет фалсафий адабиётларида узоқ йиллар шахс баркамоллигини инсоннинг ички эҳтиёжи эмас, балки жамият эҳтиёжи белгилайди, деган ғоя устуворлик қилди. Фикрлаш маданиятидаги бундай устувор ғоя, шахс - ижтимоий муҳитнинг маҳсули деган методологик асосга таянади. Фикрлаш маданиятида узоқ йиллар ҳукмронлик қилган бундай англашилмовчилик, бирёқламачилик вужудга келишининг асосий сабаби - совет ҳокимияти йилларида баркамол инсон шахсини шакллантириш моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнининг маҳсули даражасига кўтарилмаганлигидан далолат беради. Шахс муаммоларига бағишланган илмий фалсафий адабиётлар исботсиз, куруқ декларатив чақириқлар, турли шархлар билан тўлиб-тошиб кетган эди. Инсоний фазилатлар, шахсий хислатларнинг шаклланиш жараёни хар томонлама чуқур таҳлил қилиш, унинг ҳақиқий ҳолати, даражасини аниқловчи мезонлар ишлаб чиқиш ўрнига, марксизм-ленинизм классикларидан олинган кўчирмалар билан шишириб юборилди. Шахс муаммоси ҳақида узоқ йиллар мустақил фикрлашга йўл берилмади. Эркин баён қилинган фикр - мулоҳазалар турли тайзиқлар ёрдамида сўндириб юборилди.

Тажриба шундан далолат берадики, қаерда мустақил фикр юритишга йўл берилмаса, эркин фикрлаш тақиқланган бўлса, ўша ерда фалсафа ҳалок бўлади, ўша ерда инсон ҳақида, унинг эркинлиги ва камолоти ҳақидаги таъломот инкирозга учрайди.

² Чориев А. Тасаввуф фалсафасида инсон қиёфаси. Қарши, 1997, 98-бет.

Совет фалсафий адабиётида шахс муаммоси ишончли методологик асосга таянмасдан ўрганилар эди. Чунончи диалектик материализм шахс муаммосига умуман эътибор бермаган бўлса, тарихий материализм ўзининг категориялар тизими таркибига шахс категориясини киритмади. Оқибатда шахс тушунчаси марксча-ленинча фалсафанинг категориялар аппаратида муносиб ўрин эгаллай олмади. Тарихий материализм инсон шахсининг табиий-ижтимоий моҳияти ҳақида эмас, балки у бажараётган турли роллар, функциялар ҳақида кўпроқ гапирди. Аниқроқ қилиб айтганда, тарихий материализм шахсни турли ролларни бажарувчи функционер сифатида ўрганишга даъват этди. Инсон шахс бўлиб шаклланиши, ривожланиши, ўсиб-улғайиши жараёни тарихий материализм предмети доирасига киритилмади. Худди шунинг учун ҳам тарихий материализм «шахс нима?» деган саволга аниқ жавоб бера олмади.

Тоталитар тузум шароитида инсон қадр-қиммати ерга урилди. Узоқ йиллар инсонга ишлаб чиқариш воситаси деб қаралди. Унга эртаю кеч моддий фаровонлик ҳақида гапирилди. Моддий бойликни эъзозлаш, маънавий бойликни иккинчи ўринга суриб қўйиш борган сари ривожланиб борди. Бундай мусобақа шахсий манфаат, молу дунёга хирс қўйишга олиб келди. Бундай ҳолат, табиийки, худбинликнинг одамлар турмуш тарзида чуқурроқ илдиз отишига замин яратди.

Мустақил шахснинг шаклланиши ва қарор топиши - бу, энг аввало, инсоннинг ижтимоий ривожланиши жараёнидир. Инсоннинг ижтимоийлашуви жараёни - жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий нормаларга нисбатан кишида ҳосил бўлган, яъни шаклланаган субъектив шахсий эквивалентларидир. Бу эквивалентлар худди ижтимоий нормалардек доимо ўзгариб турувчи хусусиятларга эга бўлиб, алоҳида ўзига хос тизим шаклида намоён бўлиши мумкин. Ушбу тизим жамиятда мавжуд бўлган барча ижтимоий эталонларни, моделларни, ёзилган ва ёзилмаган, қабул қилинган ва қабул қилинмаган нормаларни, қадриятларни ўзида мужассамлаштиради. Жамиятдаги ижтимоий нормалар, қадриятлар ўзгариши билан шахснинг индивидуал-субъектив эквивалентлари структураси ҳам ўзгариб туради.

Инсон шахсида содир бўлган ўзгаришларни (ижобий ёки салбийлигидан қатъий назар) тўлароқ тасаввур этмоқ учун уни «турли-туманлилик» принципи нуқтаи назаридан таҳлил қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки инсонлик сифати моддий ва маънавий томонларнинг яхлитлигидан иборат бўлса-да, у қайси томондан ёндошишига кўра хилма-хиллик ва бетакрорликка эга. Буни биологик тур сифатидаги инсон зотига ҳам, ҳар бир олинган алоҳида кишига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Умуман олганда, инсоннинг бетакрорлиги оламда фақат унга хос белги эмас. Истаган нарса, ҳодиса ва воқеа бетакрордир. Бироқ инсондек олий даражада ривожланган мавжудотда бетакрорлик ҳам юксак даражада намоён бўлади.³

³ Юсупов Э.Ю. Фалсафа. Т.: Шарқ, 1999, 283-284 бетлар.

Жамиятда мавжуд бўлган ҳуқуқий нормаларнинг кишилар турмуш тарзидан муносиб ўрин эгаллаши - ижтимоий институтлар фаолияти билан диалектик алоқадор. Шунинг учун ҳам гуманистик типдаги мустақил шахснинг кундалик амалий фаолияти давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқий нормалар доирасида содир бўлиши билан ажралиб туради. Мустақил шахснинг бундай онгли, ихтиёрий фаолияти жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий институтлар амалга оширган тарбиявий-мафкуравий таъсирнинг натижасидир. Хўш, ушбу тарбиявий-мафкуравий таъсир самарадорлиги қандай омилларга боғлиқ? Инсонпарвар, демократик жамият қурилиши авж олган ҳозирги шароитда бундай тарбиявий-мафкуравий таъсир самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилишига қарамасдан фуқаролар онги ва фаолиятида давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқий нормаларга мутлақо зид ижтимоий иллатлар яшамокда. Қонунни назар писанд қилмайдиган кишилар сони кўпайиб бормокда. Қонунбузарликларнинг ижодкорлари айрим ҳолларда ҳуқуқ тартибот идораларининг раҳбарлари эканлиги ошкор бўлмокда. Бундай нохушликлар одамларнинг ҳуқуқий нормалар бажарилишини назорат қилиб турувчи механизмга бўлган ишончини сўндириб юборади.⁴ Охир оқибатда гуманистик типдаги мустақил шахснинг қарор топиши жараёнига тўсик бўлади. Худди шу ғовни бартараф этишнинг самарали механизмини яратиш - бугунги инсоншуносликнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Мустақил шахс муаммоларини ўрганишда тадқиқотчи методологик позициясининг энг муҳим хусусияти - шахснинг шаклланиш жараёни ҳамisha ўзгаришда эканлигини назарда тутиш, ушбу жараён ҳали тугалланмаганлиги, тамом бўлмаганлигини эътироф этишдир. Ўз навбатида, мустақил шахснинг шаклланиши жараёнида рўй берадиган ўзгаришларни нафақат яхшилик, нафақат тараққиёт ва нафақат миллий ёки умуминсоний қадриятлар томон силжиши, балки тубанлик, худбинлик, маънавий инқироз томон боришини ҳам унутмаслик лозим. Шунингдек, мустақил шахс жамиятда мавжуд бўлган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг маҳсули эканлигини унутиш нодонлик бўлур эди. Афсуски, баъзи бировлар инсон шахси объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар маҳсули эмас, балки унинг муҳим воситаси деб баҳоламокдалар. Ижтимоий тараққиётнинг энг асосий маҳсули бўлган инсон шахси шаклланишини қайта ишлаб чиқариш жараёнидан ташқарида бўлган фаолиятнинг маҳсули деган беъмани фикр-мулоҳазаларни баён этмокдалар. Бизнинг фикримизча, мустақил шахснинг шаклланиши жараёнини нафақат ишлаб чиқариш (инсоннинг инсон ишлаб чиқариши), балки қайта ишлаб чиқариш (инсон инсон табиатини, хулқ-атворини ўзгартира олиши) чиғириғидан ўтказиб таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга моликдир.

Ҳозирги замон инсоншунослиги маълумотларига кўра, инсоннинг ижтимоий, хусусан маънавий оламидаги зиддиятли томонларни бирданига пайқаб бўмайди. Чунки турли миллат ва элатга мансуб, турли мамлакатларда

⁴Каримов И.А. Адолатли жамият сари. Т.: Ўзбекистон, 1999, 98-100-бетлар.

яшовчи кишилар бир-бирларига ўхшашга интиладилар ва барча учун характерли бўлган умуминсоний фазилатлар томон интилиш «ўртамиёналик», «шахси ноаниқлик»нинг ривожланиши учун қулай имконият яратади. Бу ҳол эса инсон бисотидаги «ижодийлик», «ноёблик», ўзига хослик, «оригиналлик» каби инсоний хусусиятларни заифлашишига сабаб бўлади ва маънавий қашшоқликнинг урчиб кетишига шарт-шароит яратади.

Инсоннинг шахс даражасига кўтарилиши унинг сихат-саломатлиги билан бевосита боғлиқ эканлиги ҳеч қандай далил-исбот талаб этмайдиган абсолют ҳақиқатдир. Шундай экан, мустақил шахснинг шаклланиши жараёнини ўрганаётган ҳар бир тадқиқотчи ушбу жараёни инсон сихат-саломатлиги мезонидан ўтказиб таҳлил қилмоғи лозим. Чунки ҳамма замонларда ҳам инсон сихат-саломатлиги миллий ва умуминсоний қадриятлар марказида туради. Инсонпарвар, демократик жамият қурилаётган Ўзбекистон шароитида фуқаролар онги ва фаолиятида туб сифат ўзгариши ясамоқ, жамият турмуш тарзини ижтимоий адолат, рационализм ва гуманизм принциплари асосида қайта қурмоқ учун улар сихат-саломатликларини тикламоқ даркор.⁵ Янги жамият шароитида инсон ва унинг саломатлигидан ортиқ қадрият йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Мамлакатимизда инқилобий ўзгаришлар бошланиши билан «Соғлом авлод учун» дастурининг ишлаб чиқилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ҳозирги замон инсоншунослигининг маълумотларига кўра, «биосоциал» тушунчаси одам деган ягона турга мансуб бўлган мавжудотнинг икки фундаментал асос - биологик ва ижтимоий асосларга таянган ҳолда, ўша икки асос ўртасида ўзаро алоқадорлик, ўзаро таъсир мавжуд эканлигини ифодаловчи тушунчадир.

«Индивид» тушунчаси - «бир дона» ёки «бир нусха» деган маънони билдирмайди, балки «улардан бири» деган маънода қўлланилади. «Индивид» тушунчаси ўзида кишиларнинг маълум ижтимоий гуруҳи, табақасининг бирини иккинчисидан ажратиб турувчи хусусиятларини кўрсатиш, ўша ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос хусусиятларини унинг айрим, яқка вакилида қай даражада ўз ифодасини топганлигини, фарқига бориш мақсадида ишлатилади.

«Индивид» тушунчаси ёрдамида инсоннинг шахс даражасига кўтарилиши учун зарур бўлган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг, айниқса ижтимоий муҳитнинг кўрсатган таъсирини ҳам аниқ тасаввур этиш мумкин.

«Индивидуаллик» тушунчаси инсон борлигининг ўзига хос хусусиятларини (хислатлари, хосиятларини) тавсифлаш, инсон борлиғи билан табиат ва жамият борлиқларининг қўшилиб-қорилиб туришини, ҳосил бўлган

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992, 69-бет.

ижтимоий аралашманинг турли-туман томонлари, қирраларининг ранг-баранглигини таърифлаш учун ишлатилади.

Инсон индивидуаллигининг ривожланганлик даражаси унинг бетакрорлиги билан белгиланади. Бетакрорлик инсондаги индивидуал ўзига хослигининг ривожланганлигини характерловчи энг муҳим аломатлардан биридир. Индивиддаги бетакрорликнинг ривожланиши турли, хусусан табиий физиологик омилларга боғлиқ бўлади. Лекин инсондаги бетакрор хислатлар, хосиятлар, унинг жисмоний қиёфаси билан эмас, балки мустақил фаолият кўрсата олиш малакаси билан ўлчанади. Чунки инсоннинг ўзига хос, бетакрор қобилиятлари, малакалари, унинг моддий ва маънавий бойликлар яратишга қаратилган мустақил фаолиятида яққол намоён бўлади.

Инсон мустақил шахс даражасига кўтарилиши учун, ўзининг индивидуал хислатлари, хосиятларини тушуниб етиши даркор. Агар инсон ўзида бор бўлган индивидуал хусусиятларни тушуниб етмаса, у ҳеч қачон мустақил шахс даражасига кўтарила олмайди. Бундай ҳолатда шахс ўзининг мустақил борлик эканлигининг фаҳмига етмайди. Ўз қадр-қимматини баҳолай олмайди. Худди шунинг учун ҳам, инсон индивидуал ўзига хос хислатлар, хосиятларга эга бўлмасдан туриб, мустақил шахс бўла олмайди. Ўз навбатида, ушбу ҳолат, инсон ўз моҳиятига кўра ижтимоий, ўз мавжудлиги жиҳатидан индивидуал мавжудот эканлигидан далолат беради.

Мусулмон фалсафасининг ўта истеъдодли намоёндаларидан бири Нажмиддин Кубро ўзининг каромат кўрсатиш қобилияти билан бутун шарқда машҳур бўлган. Каромат кўрсатиш ёрдамида содир бўладиган воқеа ёки ҳодисанинг тафсилотини олдиндан башорат қилган. Ўзининг ўткир назари билан суҳбатдошининг қалбига ғулғула солган. Назари тушган кишида валилик хислатлари вужудга келган. Чунончи, бир куни Нажмиддин Кубро шундай ҳолатда эканликларида, хонақоҳга бир савдогар томоша учун кириб келади. Шайхнинг назари савдогарга тушади ва савдогарнинг ҳолати ўзгариб ўз касбидан воз кечади, қалбида валилик нури пайдо бўлади. Шайх хазратлари унга қараб: энди юртингга бориб, тариқатни эл ўртасига ёй, чунки сен насиба топдинг, дея башорат этадилар.⁶

«Индивидуаллик» тушунчаси инсон фаолиятининг турли-туманлигини, ўша фаолият қирралари, томонлари, жабҳаларининг ривожланиш даражасини характерласа, «шахс» тушунчаси инсон фаолиятидаги онглилик, эркинлик, мақсадга мувофиқлик, бошқача айтганимизда, инсон ўз фаолиятини бошқара олиш қобилиятини ифодалайди.

Демак, шахс - инсоннинг ижтимоий мавжудот эканлигини ифодаловчи тушунча экан. Инсон ижтимоий мавжудот эканлигини қуйидаги аломатлар характерлайди. Биринчидан, инсон ишаб чиқариш қуроли ёрдамида меҳнат қилади. Моддий ва маънавий бойликлар яратади. Иккинчидан, инсон фикрлаш маданиятига эга. Учинчидан, инсон оламдаги бошқа тирик махлуқотлардан

⁶ Комилов Н. Нажмиддин Кубро. Тошкент, 1995, 25-бет.

фарқли ўларок ўз фикр-мулоҳазаларини тили ёрдамида бошқа бировларга етказди. Худди шу ижтимоий алоқалар инсонни шахс даражасига кўтаради. Бошқача айтганимизда, ижтимоий муносабатлар инсонни ижтимоий мавжудотга айлантиради. Ижтимоий муносабатлар унинг шахсий фазилатларида, индивидуал хислатларида ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам, шахс инсоннинг ўзи, инсондаги барча ижтимоий фазилатлар, хислатлар, хосиятлар, кароматларнинг йиғиндисидир. Инсоният яратган умуминсоний қадриятларнинг, умуминсоний ахлоқ ва одоб нормаларини ўзлаштириш натижасида инсон мустақил шахс даражасига кўтарилади.

Шахсни ҳеч қачон жамиятдан жамиятни эса шахсдан ажратиб бўлмайди. Жамият шахсиз яшай олмаганидек, шахс жамиятдан ташқарида фаолият кўрсата омайди. Худди шунинг учун ҳам шахснинг қарор топишида у фаолият кўрсатаётган жамиятнинг таъсири бўлиши шубҳасиз. Ўз навбатида, шахс жамиятда бўладиган ўзгаришларга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар шахсни қандай қилиб шакллантирган бўлса, ўз навбатида шахс ҳам жамиятни шундай қилиб барпо этади.

Шахснинг ижтимоий фазилатларида у яшаётган, ишлаётган жамиятнинг, у мансуб бўлган синф ёки табақанинг, миллат ва элатнинг ўзига хос хусусиятлари ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам ҳар бир жамиятнинг ўзига мос шахси, бошқача айтганда, шахснинг ўзига хос типи бўлади. Турли жамиятда, турли ижтимоий муҳитда шаклланган шахс ўзининг ижтимоий фазилатлари билан бири иккинчисидан тубдан фарқ қилади.

Шахс доимо ҳаракатда, доимо ўзгаришда бўлган мураккаб феномен бўлиб, турли поғоналар, босқичлар, ҳолатлар, даражаларни ўзида мужассамлаштирган, яхлит динамик тизимдан иборат тузилмадир. Ушбу динамик тузилма механизми ўз таркибига уч асосий босқичларни - вужудга келишни, улғайиб боришни ва такомиллашишни ўз ичига қамраб олади. Шахснинг таркибий тузилмаси табиий-ижтимоий муҳит таъсирида ўзгариб туради. Шахснинг таркибий тузилмаси, юкорида таъкидлаб ўтилганидек, босқичма-босқич, поғонама-поғона вужудга келади. Шахснинг таркибий тузилмасида мавжуд бўлган барча хусусиятлар мувофиқлашиб, уйғунлашиб туради. Мувофиқлашиб, уйғунлашиб туриш оқибатида шахс таркибини вужудга келтирган барча ўзига хос индивидуал хислатлар, хосиятлар ўзаро алоқадорликда ҳаракат қилади. Ўз навбатида, инсоннинг мустақил ва эркин фаолият кўрсатиши учун туртки беради.

Инсон табиатининг моҳиятини билиш ҳамиша файласуфларнинг диққат марказида бўлди. Шунинг учун ҳам «инсон табиати» тушунчаси илмий-фалсафий адабиётларда турли замонларда, турли маъноларда, турли мақсадларда ишлатилади. Айрим инсоншунос олимлар ушбу тушунчани инсоннинг ҳайвондан фарқ қилувчи хусусиятларини исботлаш учун ишлатган бўлсалар, бошқа бировлар уни биологик эҳтиёжларини қондириш ҳолати, атроф-муҳитга мослашиши учун зарур бўлган малакалар, қобилиятлар мажмуасини таърифлаш учун қўлладилар. Инсоншунос олимларнинг

кўпчилиги инсон табиати моҳиятини инстинкдан излай бошладилар. Инстинк деганда инсондаги барча туғма қобилиятлар, истеъдодлар мажмуасини ягона мақсад томон бошқариш тушунилади.

Ҳар қандай инсон ўзига хос биологик хусусиятларга эга бўлади: асаб ва ҳазм қилиш тизимида, очлик ва тўқликка бўлган чидамида, иш қобилиятида, ҳиссиётида, жисмонан улғайишида биологик хусусиятлар ўз таъсирини ўтказади. Инсон табиатига унинг психогенетик хусусиятлари, хусусан характери, мулоҳазаси, кузатувлари, майллари, қобилиятларининг ҳам таъсири бўлади. Ушбу хусусиятлар инсон ҳатти-ҳаракати, ҳулқ-атворини белгилашда ўз таъсирини ўтказади.

«Социализация» категорияси инсоннинг ижтимоий муносабатлар тизимида қўшилиши ва ўша мураккаб механизмини ҳаракатга келтирувчи қудратли кучга айланишини, жамиятда мавжуд бўлган турли социал институтлар ва ташкилотларнинг унга кўрсатган таъсирини характерлайди.

Социализация жараёни туфайли инсон турмуш тарзида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашади. Инсонпарвар, демократик жамият шароитида, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлашуви жамиятнинг, давлатнинг инсон манфаатига хизмат қилиши учун туртки беради. Чунки миллий ва умуминсоний қадриятлар бирлигининг марказида инсон, унинг эрки, кадр-қиммати, маънавий етуқлиги, беназир ақли ётади.

Миллий қадриятларнинг умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилиши, уларнинг диалектик алоқадорлиги ҳақида фикр юритганда, ҳар қандай миллийлик ўзида умуминсоний қадриятларни акс эттиргандагина бошқа миллатлар, элатлар, халқлар томонидан тан олиншини унутмаслик даркор. У ёки бу миллат яратган моддий ва маънавий бойликлар, илмий-техникавий кашфиётлар умумбашар манфаатига мос тушувчи компонентлар бўлмаса, бундай миллийлик умуминсонийлик даражасига кўтарила олмайди.

Инсон табиатига биологик ва психологик хусусиятлар насл-насабидан ўтади. Лекин ушбу хусусиятларда инсоний мазмун, инсоний маъно фақат социализация жараёни туфайли ҳосил бўлади. Чунки инсон ўзининг бутун умри давомида турли ижтимоий нормаларни, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштиришга, ўзининг амалий фаолиятига татбиқ этиш жараёни социализация дейилади. Худди шунинг учун ҳам инсон социализация жараёни туфайли шахс даражасига кўтарилади.

Социализация жараёни туфайли инсон боласи турли ижтимоий функцияларни бажаришга қодир бўлади. Унда турли қобилиятлар, малакалар шаклланади. Хусусан, айрим киши бир вақтнинг ўзида ҳар қил ижтимоий гуруҳларда ва жамоаларда турли вазифаларни уддалайди. Турлича мавқега эга бўлади. Баъзи шахслар ҳамма тан оладиган, ҳурмат қиладиган йирик ташкилотчи, йирик раҳбар, баъзи бировлар эса инсофли, диёнатли ижрочи бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам, гуруҳ ёки жамоа шахсдан ўзи эгаллаб турган мавқега қараб иш тутишни талаб қилса, шахс ўзи фаолият кўрсатаётган жамоа ёки ўзи мансуб бўлган гуруҳдан эгаллаб турган обрў-эътибори,

професионал малакаси, қобилияти, истеъдодига қараб муносабатда бўлишни кутади, унинг юқори професионал малакаси билан ҳисоблашишларини истайди. Ана шундай муносабатнинг бўлмаслиги шахс мустақил фикрлаш, ишлаш ва яшаш маданиятининг шаклланиш жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Қобилиятли, истеъдодли киши ўзининг юксак професионал малакасига, жамоадаги обрў-эътиборига, ташкилотчилиги, уддабуронлигига яраша жамоада ёки ўзи мансуб бўлган ижтимоий гуруҳда кадр-қиммат ўрин топмас экан, аста секин шахс билан жамоа ёки гуруҳ ўртасида кўзга кўринмас совуқлик вужудга келади. Натижада шахс жамоа ишларига бефарқ, эътиборсиз қарайдиган бўлади. Бундай лоқайдлик шахс бисотидаги мустақиллик туйғуларини емиради. Афсуски, бозор иқтисодига асосланган янги жамият қуриш шароитида, йирик мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ солмасдан, юқоридан туриб қарорлар қабул қилиш, фармойишлар бериш, жойлардаги реал ҳолатлар билан ҳисоблашмаслик, меҳнат жамоаларининг юқори ташкилотларнинг ҳисоб бермаслиги каби нохуш ҳолатлар авж олиб бормоқда. Бошлиқларнинг ўзларига мослаб сунъий қоидачалар, низомчалар яратиш ҳолатлари содир бўлмоқда. Айрим раҳбарлар меҳнаткаш фуқаро ёки заҳматкаш мутахассис манфаатини эмас, балки каззоб, қаллоб манфаатини ҳимоя қилмоқда. Куппа кундуз куни деҳқонни талаётган бозордаги қаллобларнинг номақбул ишларини мутассади идоралар кўрсалар ҳам кўрмасликка, билсалар ҳам билмасликка олмоқдалар. Деҳқон бозорларида давлат андозаларига тўла жавоб берадиган маҳсулотни топиш амри маҳол. Маҳсулотнинг тан нархи қанча эканлиги билан ҳеч ким қизиқмайди. Таниш-билишчилик, уруғ-аймоқчилик каби иллатлар, инсоннинг мустақил шахс даражасига кўтарилишига тўсиқ бўлмоқда. Президент И.А. Каримов айтганларидек: «Халқ нонини туя қилаётганларга нисбатан кескин чоралар кўрилмаяпти. Зиммасига юклатилган вазифани бажармаса бу идоранинг нима кераги бор? Порахўрлик учунми? Оддий фуқарони ҳимоя қилиш учун эмасми? Табиий савол туғилади: милиция ўз бурчини бажармаса, божхона ходимлари порахўр бўлса, прокурор заиф, ўйинчи бўлса, ҳокимларнинг қулоғи қар, кўзи кўр бўлса, оддий фуқаро кимга боради? Уни ким ҳимоя қилади? Унинг ғамини, ташвишини ким чекади? Қани адолат, қани ҳақиқат? Шу ишни бажармаса елкасига погон таққанлар нега керак? Нима учун уларга отнинг калласидек ойлик бериб қўйибмиз? Нима учун шунча шароит яратиб бердик? Одамларни ҳимоя қилиш учун эмасми?».⁷ Худди шунинг учун ҳам нохуш ҳолатларга қарши курашнинг таъсирчан, самарали механизмини яратиш, мустақил фикрловчи, мустақил ишловчи, мустақил яшовчи шахсни шакллантиришнинг муҳим шартидир.

⁷ Каримов И.А. Ватан, эл манфаати - муқаддасдир // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2.-Т., 1996, 67-бет.

Шахс таркибидаги биологик, психологик ва социологик ҳолатлар бири иккинчисига қарама-қарши турмаслиги, аксинча бири иккинчисини тўлдириши, бойитиши, бўйсунитиши даркор. Ана шундай уйғунлик, гармония вужудга келгандагина шахс мустақил фикр юритади, мустақил ишлайди ва яшайди. Ушбу ҳолатлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик механизми бузилса, шахс мустақил фаолият кўрсата олмайди.

Шундай қилиб, биологик, социологик ҳолатларни ўзида мужассамлаштирган инсон социализация жараёни туфайли шахс даражасига кўтарилади. Социализация жараёни туфайли шахс ўзида барча инсоний фазилатлар, хислатларни мужассамлаштиради. Баркамол инсон ғояси билан танишади ва шу ғоя томон интилади. Инсон хулқ-тавори, ҳатти-харакатининг ўзаги бўлган ўз «Мен»и ёрдамида ўз фаолиятини назорат қилиш малакаси шаклланади.

«МЕН» инсон шахсининг ички муайянлигини ифодалайди ва моҳиятан унинг белгиловчисидир. Унда шахснинг ўз-ўзини англаши, феъл-атвори ва иродасининг манбаи жамлангандир. Шахс «МЕН»и инсоннинг у ёки бу йўналишдаги фаолияти билан боғланиб, ўзининг турли-туман қирраларини намоён қилади. Улар энг умумий тарзда қуйидагилардир:

1. Ўз-ўзини англаш. Бу шахснинг объектив воқеликка нисбатан турли даражада ва шаклларда ифодаланадиган ҳатти-ҳаракати, ҳис-туйғулари, фикр-ўйлари, манфаати, ўзи аъзо бўлган энг оддий гуруҳдан инсоният ва жамиятгача бўлган барча босқичлардаги ўрни ва ҳоказоларни билиб олганлигидир. Бунинг натижасида шахснинг турмуш фаолиятини оқилона бошқариш йўлга қўйилади. Ўз навбатида ўз-ўзини бошқариш негизида шахснинг ўзини такомиллаштириши, рўёбга чиқариши таъминланади.

2. Рефлексия. (лотинча: орқага қараш). Бунда шахс фаолияти, маънавий олами таҳлил объекти сифатида олинади. Унда шахс ўз маънавиятининг ўзига хос жиҳатларини билиши, ўз ҳаракатларини мулоҳаза қилишга, баҳолашга интилишини ифодалайди.

3. Дунёқараш. Шахс ўзининг табиати, уни ўраб турган оламнинг моҳияти, мазмуни ва ҳолати жиҳатидан маълум бир мақсадга йўналтирилган, эътиқодга айланган, турмуш эҳтиёжлари билан узвий боғланган назарий қарашларнинг умумий кўринишига эга бўлади. Дунёқараш, энг аввало, олам ҳақидаги яхлит билимдир. Шахс билиш жараёнида ўз фаолиятини намоён этиб, дунёқарашида воқеликни нафақат қандай бўлса ўшандай акс эттиради, балки уни муайян тарзда баҳолайди. Демак, шахснинг билими унинг маънавий дунёсини бойитади, билим - баҳо ва билим - муносабат эса унинг ижтимоий мавқеи ва турмуш тамойилларини шакллантиришга кўмак беради⁸.

Ҳозирда мустақиллик шароитида шахс муаммосини ўрганишда янгича цивилизацияон ёндашув бошланди. Чунки янгиланишлар жараёни янги

⁸ Жўраев. Н, Азизов. Ш. Ижтимоийёт асослари. Т.: Маърифат-Мададкор, 2003, 67-68-бетлар.

дунёқараш ва тафаккур тарзи билан узвий алоқада бўлмоғи лозим. Шахс муаммосини ўрганишда янгича цивилизацион ёндашувнинг вужудга келишида мамлакатимизда бунёд этилаётган инсонпарвар, демократик жамият, ҳуқуқий давлатнинг ўзи туртки бермоқда. Чунки бунёд этилаётган янги жамиятнинг ҳақиқий бойлиги - инсондир⁹. Унинг олий мақсади инсоннинг инсондек яшаши, ишлаши учун, бахт-саодатга эришмоғи учун фаровон турмуш тарзи яратишдан иборатдир. Бугун ўзбек жамиятида инсон бисотида мавжуд бўлган барча қобилиятлар, малакалар эркин намоён бўлаётганлиги гуманистик типдаги мустакил шахсни қарор топтириш учун реал шарт-шароитлар вужудга келганлигидан далолат беради.

1.2. Эркинлик тушунчаси. Эркинлик муаммоси хусусидаги концепсиялар

Эркинлик фалсафада бутун ижтимоий тарих давомида инсоният ва инсон шахси ҳаётининг ўткир муаммоларидан бўлиб келди. Чунки эркинлик ижодий яратувчи, фаол, ўз олдига қўйган мақсад сари ҳаракат қилувчи инсоннинг эҳтиёжи бўлиб, унинг табиати билан боғлиқдир.

Инсон ҳаёти ғоят мураккаб алоқадорликлар ва ўзаро тақозоликлар орқали кечиши муносабатлари ғоят ҳилма-ҳил соҳаларда намоён бўлиши туфайли унинг эркинлиги ҳам кўп қирралидир. Фалсафа тарихида эркинлик нима деган саволга берилган жавоблар ичида даставвал уни воқеълик - олам ривожланишининг заруриятлари билан боғлаш кўзга ташланади.

Жамият ривожининг турли даврларида эркинлик муаммоси ҳар хил талқин этилган. «Табиий эркинлик», «фуқаролар эркинлиги», «шахс эркинлиги», «ахлоқ эркинлиги» ёки «сиёсий эркинлик», «иқтисодий эркинлик» каби махсус атамалар ишлатилган.

Эркинлик ғояси кўпинча тенглик ғояси билан ҳамоҳанг. У инсон мавжудлигининг муҳим жиҳати сифатида намоён бўлади. С.Л. Франк ёзганидек, «Эркинликни рад этишнинг ҳар қандай кўриниши маънан ўзини-ўзи ўлдиришдир, бошқанинг эркинлигига тажовуз қилиш эса инсонни ўлдиришга қасд қилиш ифодасидир»¹⁰.

Эркинлик ва тенглик ҳаммани бир хил андозага солиш дегани эмас. Тенглик барча учун баробар имконият бериш, уни кафолатлашдир. Имкониятдан фойдаланиш эса доимо ҳар хил бўлади. Бу масалада тенглик бўлиши қийин, чунки ҳар инсоннинг салоҳияти, қобилияти, онги ва маданияти бир-биридан кескин фарқланади.

⁹ Каримов. И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: Ўзбекистон, 1995, 3-бет.

¹⁰ Франк С.Л. Духовные основы общества: введение в социальную философию, Москва, 1974, с-240.

Эркинлик мавҳум тушунча эмас. Эркинликнинг табиатини англаш учун аввало, унинг намоён бўлиш шарт-шароитларини, инсоннинг мавжудлиги ва жамиятдаги ўрнини ҳисобга олиш лозим.

Эркинлик - ижтимоий тушунча. У инсон ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатларда рўёбга чиқади. Шунинг учун ҳам жамиятдан ташқарида эркинлик бўлмайди. Жамиятда эркинликни тушуниш ва амалга ошириш мамлакатда устувор бўлган миллий, маданий, тарихий, диний ва бошқа тартиботлар, қонун-қоидалар ҳамда қадриятларга, уларнинг хусусияти, мазмунига боғлиқ бўлади. Масалан, эркинликни англаш ва уни ифода этишда Ғарб ва Шарқнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Ғарбда эркинлик хусусида фикр юритилганда, асосан, алоҳида олинган шахс эркинлиги ва ҳуқуқларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилади, эркинликка шу мезондан келиб чиқиб баҳо берилади.

Шарқда ҳам шахс эркинлиги ва ҳуқуқлари ҳисобга олинади. Лекин шахс ҳатти-ҳаракати, ҳуқ-атвори, жамиятдаги ўрнини, маъсулиятини идрок этиш ҳолатларига баҳо берилганда муайян гуруҳ: этнос, халқ, миллат, жамиятнинг манфаатлари, ҳуқуқларига алоҳида қадриятлар, анъаналаридан келиб чиққан ҳолда ёндашилади.

Эркинликни тушунишда Шарқ ва Ғарбнинг ўзига хос ёндашуви мавжуд. Унинг жамият билан боғлиқлигини ҳисобга олсак, шарқона ёндашув ва тушунишнинг айрим афзал жиҳатлари намоён бўлади. Шарқнинг ўзига хос жиҳати шундаки, шахс эркинлиги ва ҳуқуқлари билан жамоада мавжуд тартиботлар, қадриятлар, анъаналар уйғунлашиб кетган. Бунинг ўзига хос афзалликлари бор. Шахс эркинлигини эътироф этиш, унинг жамиятдан ташқарида эканлигини билдирмайди. Муайян ижтимоий гуруҳнинг вакили сифатида шахснинг фаолияти жамият билан нечоғлиқ уйғун бўлса, шахсий манфаатлар эркинлик талабларига ҳамда жамоа манфаатларига шунчалик мос тушади. Мавжуд тартиб, қонун-қоидаларни ҳурмат қилиш билан уйғунлашувига хизмат қилади.

Эркинлик тарихий тушунча ҳамдир. Чунки эркинлик тушунчаси узок тарихий ривожланиш жараёнида шаклланган ва мураккаблашиб борган. Уни турли мамлакат халқлари турлича идрок этган ва талқин қилган. Шарқда жамоавийликка таяниш ўзига хос қадрият сифатида ҳаёт тажрибаси ва синовларидан ўтиб келган. Уни инсонларнинг турли эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда тушуниш мумкин. Эркинликнинг ҳозирги замонавий талқини мамлакатда ҳуқуқий, демократик эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ғояси билан узвий боғлиқ. У шахс эркинлигини англаш туйғуси, жамият олдидаги маъсулиятини ҳис этиш, англаш талаблари билан ҳамохангдир. Бу шахсни инсон сифатида ўз эркинлигини англашга даъват этади, унга ҳаётнинг маъно-мазмунини чуқурроқ идрок этиш маъсулиятини юклайди. Шахс эркинлигини ҳаддан ташқари мутлақлаштириш салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шахс эркинлигининг эътироф этилиши унинг ҳатти-ҳаракати, ҳуқуқлари мутлақлигини билдирмайди. Ҳаётда бундай эмас. Шахс эркинлиги

шахсининг жамият, давлат олдидаги маъсулияти билан боғлиқ ҳолда эътироф этилади ва бу тегишли қонун, тартибот, меъёрлар орқали тартибга солинади.¹¹

Эркинлик ва маъсулият бир бутун онгли инсон фаолиятининг икки томонидир. Илмий-фалсафий дунёқарашга мувофиқ, эркинликни ҳам, маъсулиятни ҳам ўзаро таъсир ва ўзаро алоқадорликка асосланган объектив оламсиз тўлиқ тасаввур қилиб бўлмайди. Объектив заруриятга асосланиб эркин фаолият кўрсатаётган инсонга бир вақтнинг ўзида, унинг ҳулқ-атвори, ҳатти-ҳаракати учун жамият олдидаги маъсулият туйғусини шакллантириш мумкин. Эркинликни англаш ва маъсулиятни ҳис этиш туйғулари мутаносиб бўлсагина шахсининг жамиятдаги ўрни, мавқеи, ҳурмат-эътибори уйғунлашади. Худди шунинг учун ҳам мамлакатимизда инсонпарвар, демократик жамият қурилаётган ҳозирги шароитда инсон эркинлиги ва маъсулиятини уйғунлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шахс эркинлигини унинг дунёқарашини, ички маънавий дунёсини, ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларидан ҳоли ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Эркинлик шахсга ўз ҳаётининг ҳақиқий яратувчиси, бунёдкори, ўзи ижодкор эканлигини англашга ёрдам беради. У эркинликка муносиб эканлигини ўз фаолияти орқали ҳам англайди. Бошқалар ҳам буни ҳис этади.

Эркинлик - инсоннинг интеллектуал-маънавий камолотга эришувининг зарур шартини, англашганлигидир. Эркинлик туфайлигина инсон яратувчанлик қобилиятини намоён этади, шахсий маъсулият ва инсоний бурчини тўла ҳис этади. «Эркинлик» тушунчаси ҳар қандай шахсга нисбатан эмас, балки ўз ҳатти-ҳаракати, ҳулқ-атвори ва фаолияти учун жавобгарликни ҳис этадиган, маънавий жиҳатдан баркамол инсонга қўлланилади. Жамиятнинг маънавий салоҳияти юксалиб боргани сайин кишилар эркинликка ўзбошимчалик, нимани хоҳласа шуни қилиш деб эмас, балки маънавий интеллектуал ривожланиш имконият деб қарайдилар.

Ислом таълимотида инсон эркин бўлиши учун ақл-идрок берилган деб айтилади. Абу Мансур Мотуридий исломдаги ирода эркинлигини шарҳлаб, инсонга берилган ақл-идрок унга ўз ҳатти-ҳаракатида яхшилик ва ёмонликни, ҳалол ва ҳаромни, савоб ва гуноҳни, тўғри ёки эгри йўлни танлаш эркинлигини берди, бизнинг келажагимиз шу йўللاردан қай бирини танлай олишимизга боғлиқ, деб уқтирган. Инсон эркин онгли фаолияти билан ҳайвондан фарқ қилади. Ҳайвонлар шарт-шароит ва вазиятга қарамдир. Инсон эса онгли равишда мақсадга эришиш йўлини излайди.

Эркинлик, Иммануил Кант фикрича, инсоннинг ҳис этиладиган дунё қонуниятларига боғлиқ бўлмаган ҳатти-ҳаракатларни мустақил содир эта олишидир¹².

Гегель: «Эркинлик англаб олинган зарурат» деган фикрни олға сураб экан, аввало руҳ эркинлигининг моҳиятини ифода этган. Энгельс эса, унга қўшимча

¹¹ Йўлдошев. А. Эркинлик макони. // Мулоқот, 2004, 1-сон, 9-бет.

¹² Тўхтаров И. «Коперниконга тўнтариш» ёхуд Кант кашфиётининг сири. // Тафаккур, 2003, 2-сон, 48-бет.

қилиб, «Эркинлик - англаб олинган зарурат бўйича ҳаракат қилиш», деган фикрни айтган. Бу орқали у эркинликнинг воқе бўлиши ва қандай юзага чиқишига урғу берган.¹³

«Менга бир нарса мукаммал равшанки, - деб ёзган эди атоқли давлат ва жамоат арбоби Жавоҳарлаъл Неру, - мураккаб ижтимоий организмда шахс эркинлиги чегараланган бўлиши керак ва ижтимоий соҳада бундай чекланиш шахс эркинлигини таъминлашнинг ягона йўли бўлиши мумкин. Кўпинча кенг маънодаги эркинликнинг манфаати учун иккинчи даражали эркинликни чеклашга зарурат туғилади»¹⁴.

Шу ўринда эркинлик категориясининг ижобий ва салбий жиҳатларга эга эканини ҳам таъкидлаш зарур. Унинг ижобий жиҳати шахснинг ўз манфаатларига мувофиқ равишда ҳаракат қилиш имкониятини ифодолайди. Бунда шахс бирор-бир моддий ва маънавий неъматга интилиб, шу йўлда зарур ҳаракатлар қилиши мумкинки, бу ҳатти ҳаракатлар ўз навбатида бошқаларнинг интилиш ва манфаатларига зид келмаслиги керак. Чунки адолат чегараси, эркинликлар меъёри айнан шу асосда шаклланади. Аксинча, шахснинг ҳатти ҳаракати ташқаридан бўладиган таъсирлардан бутунлай ҳоли бўлган, у ўз мақсадларига эришиш жараёнида ҳеч бир акс таъсирни тан олмаган тақдирда эркинликнинг салбий жиҳати намоён бўлади. Чунки бу жараёнда «кимнингдир ва ниманингдир ҳисобига эркинликка эришиш» ҳолати содир бўлади. Шахс бу муносабатларни тўғри баҳоламаган тақдирда у ўз ҳатти ҳаракати билан адолатнинг бузилишига сабаб бўлади. Албатта, эркинликнинг ҳар икки жиҳати ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Лекин шу билан бирга улар ўртасида мураккаб, зиддиятли ва ҳатто қарама-қарши муносабатлар ҳам мавжуд.¹⁵

Эркинлик муаммосини ўрганиш ҳамиша файласуфларнинг диққат марказида бўлди. Чунончи, ушбу муаммога бағишланган турли концепциялар яратилди. Ана шу концепциялардан бири рус файласуфи Н.А.Бердяев томонидан ишлаб чиқилди. Унинг концепциясига кўра эркинлик тамойили инсон танлаш, саралаш имкониятига эга бўлади. Лекин эркинликни фақат танлаш, саралаш имконияти деб тушуниш, унга берилган чинакам таъриф эмас, балки бирёқлама баҳодир. Чунки танлаш, саралаш эркинликнинг ҳолатидир, холос. Худди шунинг учун ҳам инсоннинг чинакам эркинлиги учун танлаш зарур эканлигини тушуниб етишда эмас, балки, танлаб олган пайтда содир бўлади. Худди ўша пайтда инсоннинг реал эркинлиги намоён бўлади.

Бердяевнинг таъкидлашича эркинлик инсоннинг ички энергиясидир. Худди шу энергия ёрдамида инсон мутлақо янги турмуш қуриши, янги жамият, янги дунё барпо этиши мумкин. Лекин эркинлик қандайдир ички сабаблар туфайли содир бўлади деб тушуниш ҳам нотўғри. Чунки эркинлик сабабли боғланишлардан ташқарида вужудга келади. Сабабли боғланишлар

¹³ Қаранг:Эркаев А.Тафаккур эркинлиги. // Тафаккур, 2005, 2-сон, 6-бет.

¹⁴ Неру. Ж. Открытие Индии. Книга первая. Москва. 1989, с- 37.

¹⁵ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. (Маъруза матилари учун материаллар) Т., 2001, 151-бет.

объектив оламнинг турли феноменлари ўртасида рўй беради. Эркинлик эса оламда содир этилган бурилишдир.

Бердяевнинг фикрига кўра эркинлик инсонга берилган танлаш ва саралаш имкониятини эмас, балки ижодкорликдир, яъни аввал мавжуд бўлмаган нарсани яратишдир. Ижодкорлик такомиллаштирилган шаклу-шамойил эмас, балки оламдаги турли қийинчиликларни, муаммоларни бартараф этиш учун қилинган фидойиликдир. Ижодкорлик фақат йўқ нарсани бор қилиш эмас, балки ўша нарсани бунёд этиш учун яратилган материалдир холос. Лекин ижодкорликда «ҳеч наrsa»нинг унсурлари яъни бошқа оламнинг таъсири ҳам бор. Ушбу ҳолат ижодкорликдаги янгилик бу «оламдан» эмас, «руҳ» олаmidан ҳосил бўлишидан далолат беради. Шундай қилиб, Бердяевнинг экзистенциал концепциясига кўра, инсон эркинлигини ижодкорликдан, бунёдкорлик бири иккинчиси билан диалектик алоқадорликда содир бўлади. Эркинлик йўқни бор қилувчи қудратдир. Инсоннинг нафақат табиий оламини, ҳатто ўзини-ўзи қайта қуриш қувватидир.

Детерминистик концепция тарафдорларининг фикрига кўра, эркинлик инсоннинг энг муҳим қобилияти бўлиб, объектив заруриятни билиб олишга қаратилган бўлади. Унинг эҳтиёжлари, истаклари асосида вужудга келади. Бундай ҳолатда инсон «эркинлик» иборасининг антиноми бўлган «мажбур қилиш» асосида, яъни ўзининг эътиқоди, истаклари, эҳтиёжларига тенг бўлган қандайдир ташқи куч таъсирида фаолият кўрсатади. Кўриниб турибдики, инсон эркинлик моҳиятини билиб олиш учун эркинлик билан мажбур қилиш ўртасидаги зиддиятларни пайқаб олиши муҳим аҳамиятга эгадир. Тажрибанинг гувоҳлик беришича, мажбур қилиш ҳеч қачон заруриятга уйқаш эмас. Худди шу ҳолатга Спиниоза ҳам ўз эътиборини қаратган: «Сизнинг эътироф этишингизча, -деб ёзган эди ўз оппонетига,- зарурият билан мажбур қилиш, яъни зўровонлик ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Инсоннинг яшашга интилиши муҳаббати ва ҳокозалар унга зўрлик билан тикиштирилган бўлмасада лекин у заруриятдир». Эркинлик ва зарурият бири иккинчисига антипод бўлмасада, эркинлик заруриятдан воз кечмасдан туриб ҳам мавжуд бўлиш эҳтимоли борлигини тан олишга тўғри келади¹⁶.

Инсонлар эркинликни англаш даражасига кўра бир-биридан фарқланади: 1) ўзини эркин деб билган, бошқаларнинг эркинлиги билан иши йўқ инсонлар; 2) ўз эркинлигини бошқаларнинг эркинлиги билан уйғун кўрадиган инсонлар; 3) эркинликни мамлакат, халқ, миллатининг эркинлиги билан уйғун идрок этадиганлар; 4) эркинликни жамиятдаги мавжуд тартиботлар, қонунлар, қадриятлар билан бирга идрок этадиганлар; 5) мутлақ эркинлик ёки эркинликни мутлақ тушунадиганлар; 6) англаган эркинлик; 7) англамаган эркинлик¹⁷.

¹⁶ Чориев А. Инсон фалсафаси. Т.: Чинор ЕНК, 2002, 246-бет.

¹⁷ Эргашев И, Шарипов Б, Жакбаров М. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. Т., 2002, 11-бет.

Инсоннинг мутлақ эркинлиги, унинг мустақил фаолиятининг натижаси бўлиб, турли мавхумликлар йигиндисидир. Инсоннинг мустақил фаолияти эса унинг бир ўзи қабул қилган қарори, орзулари, истаклари, ўша кишининг ички дунёси билан боғлиқ. Шунингдек инсоннинг реал эркин фаолият кўрсатишига унинг ҳулқ атворидаги танланган муқобил йўналиш асосий вазифани бажаради. Эркинлик танлаш, саралаш учун имконият мавжуд бўлган жойда вужудга келади. Бошқача айтганимизда, инсон ўз мақсадига эришиш учун ҳаётда вужудга келган турли мураккаб вазиятлардан чиқиш йўллари, воситалари, ҳатти-ҳаракат, ҳулқ-атвор мезонларини танлаш жараёнида ўзининг эркин эмаслигини яққол намоён қилади. Вазиятдан чиқиш йўллари танлашнинг объектив асоси, шарт-шароитлар ва имкониятларнинг турли туманлигидир. Ана шундай турли-туманликларнинг доимо ҳаракатда бўлиб туриши натижасида имконият воқеликка айланади. Имкониятнинг воқеликка айланиши учун вазиятни танлай билиш муҳим аҳамиятга эгадир. Лекин вазиятни танлаш - бу эркинлик эмас, балки унинг вужудга келиши, эркин фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган шарт-шароитдир. Эркин фаолият кўрсатиш жараёнида инсон ўз фаолиятига муқобил шаклни танлайди, уни воқеликка айлантириш йўллари излайди. Ҳулқ-атворидаги муқобил нусхани танлаш инсоннинг мақсади, кундалик амалий фаолиятининг характери билан боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, эркинлик инсоннинг мақсадига эришиш учун берилган имкониятдир. Танланган мақсадга эришиш учун умумий ва профессионал билимларга асосланган ҳаракат қилиш қобилиятидир. Инсон эркинлиги унга таъсир кўрсатиб турган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларга таянгандагина унинг самарадорлиги баланд бўлади, яъни эркинлик тўлароқ намоён бўлади. Бошқача айтганда, инсон ўзининг кундалик амалий фаолиятига таъсир ўтказиб турган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик қонунларини қанча тиниқ тасаввур этса, унинг эркинлигининг самарадорлиги шунча юқори бўлади. Ўзи орзу қилган мақсад томон шунчалик тез дадиллик билан одимлайверади.

Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик жамият қурилиши бошланиши билан мулкнинг турли шакллари вужудга кела бошлади. Чунончи, хусусий мулкнинг вужудга келиши инсоннинг уз тақдирини ўзи белгилаши учун замин яратди. Бундай эркинлик инсоннинг кундалик амалий фаолиятга гуманистик мазмун ато эта бошлади. Ўз навбатида, эркин, мустақил фаолият инсоннинг ўз таъшишлари ва қувончларига ўралашиб қолиши эгоцентристик кайфиятнинг шаклланиши учун шарт-шароит яратмоқда. Бошқача айтганимизда, мулкнинг турли шакллари ва вужудга келиши инсониятнинг жамиятдаги ўрнини ўзгартириб юборди. Худди шу ҳолат мустақил фикрловчи, мулк эгаси, яъни мулкдор билан эскича фикрловчи, боқимандаликка ўрганиб қолган, «берсанг ейман-урсанг ўламан» қабилида ишловчи кишилар ўртасидаги зиддиятни кучайтирди. Фуқороларнинг мулк шаклларига қараб, ижтимоий келиб чиқиши ва эгаллаб турган вазифасига, иш фаолиятининг характери ва маданий-маънавий эҳтиёжига қараб дифференцияллашуви кучайиб бормоқда. Турган

гапки бундай номутаносибликнинг ортиб бориши инсон эркинлиги ва маъсулиятининг уйғунлашуви жараёнига ўз таъсирини ўтказмокда. Мулкчиликнинг турли давлат, кооператив ширкат, фермер каби шакллариининг вужудга келиши билан кишилар ўртасидаги ижтимоий алоқалар тубдан ўзгариб кетди. Фуқоролар ижтимоий алоқаларини эркинлаштиришлари учун имконият кенгайди. Бундай вазиятнинг вужудга келиши инсоннинг ўзини-ўзи кўпроқ билишга, ўзида мавжуд бўлган ички имкониятларни излаб топиш учун зарур бўлган барча қобилиятларини, истеъдодларини, ташаббусларини намоён қилиш учун зарур бўлган барча шарт шароитларни ўз қўли билан яратишга киришди.

Айрим нарсалар борки, у инсон ақлига, иродасига бўйсунмайди. Инсон эркинлик, эркин иродасини, интилишларини амалга ошириш учун яратилган. Инсон эркинликка интилар экан, жамиятнинг бошқа аъзоларининг эркинлиги билан тўқнашади. Бошқача айтганда, инсон эркинлиги нафақат ҳар бир инсоннинг ички табиати билан, айти пайтда ҳаётий маконда қатъий чизиб қўйилган дунё билан боғлиқ. Ҳар бир кишининг ўзига хос «эркинлик макони» мавжудки, бошқа кишининг бу маконда дахл этиши мумкин эмас.

Бугунги бозор муносабатлари инсон олдига янги талабларни қўяпти. Инсон ўз борлигини яхши билиши, ўз ички имкониятларини, салоҳиятини доимо ошириши зарур. Ижтимоий ҳаётда, айниқса, бозор иқтисоди муносабатлари шароитида инсонга бўлган талаб ортиб борапти. Шу талабларга жавоб берадиган инсон ҳаётда ўз ўрнини топиб олади. Акс ҳолларда инсон шунчаки бир «наrsa»га айланиб қолиши ҳам мумкин. Бу эҳтимолни ҳар бир киши ҳисобга олиши, ундан сақланиш чораларини кўриши даркор. Инсон илм ўрганади, касб эгаллайди, замонавий техника, технологияни ўзлаштиради, компьютер ёки тилни ўрганиш чораларини кўради. Буларни шунчаки эмас, бугунги замон талаби даражасида эгаллаши унинг эркинлигини кафолатлайди, янги имкониятлар очади, эркин фаолият амалга ошади. Акс ҳолда инсон ўзини эркин ҳис этмаслиги мумкин. Тўғрироғи, у шу руҳий-маънавий тобелик кайфиятидан ҳоли бўла олмайди. Бу унинг ижтимоий кайфиятига ҳам таъсирини кўрсатади. Айрим ҳолларда ўз ҳаётидан қониқмаслик билан боғлиқ ихтилофли ҳолатлар ҳам пайдо бўлади. Бунинг ёмон жиҳати шундаки, айрим инсонлар бунинг сабабини ўзидан эмас, кўпроқ жамиятдан қидиради, ўзи бунга асосий сабабчи эканини вақтида англамайди. Бу ҳол унда атрофидагилар олдида «ҳеч ким» эмасдек бир кайфиятни пайдо қилади. Унга йўл қўймаслик учун ёшликдан амалий чора-тадбирлар кўриш мақсадга мувофиқ. Буни инсон қанча эрта англаса, шунча ўзини-ўзи ҳимоя қилади ва ўзига ишонч пайдо бўлади.¹⁸

Эркинлик тартиб бор жойда мавжуд, тартиб эса ҳозирги жамиятда қабул қилинган қонун-қоидалар, муайян ахлоқ қоидалари ва қадриятлар тизими орқали амалга оширилади. Яъни «Эркинлик - ҳуқуқ йўл қўйган нарсаларни

¹⁸ Мирзаев Г.Эркинлик макони. // Мулоқот, 2004, 1сон, 10-бет.

бажариш ҳуқуқидир». Қонунга, ҳуқуққа асосланмаган эркинлик ва шунга мос тарздаги ҳатти-ҳаракат эса эркинлик эмас, балки ҳуқуқни бузишдир.

Инсон ўзини англаган сари бошқаларни ҳам англаб боради. Эркинлик фақат унгагина эмас, бошқаларга ҳам берилган. Ҳамма эркин ва муайян эркинлик майдонида фаолият кўрсатади. Аммо бу майдон ичида фаолият кўрсатаётган ҳар бир инсоннинг эркинликни англаш доираси мавжуд. У муайян мақсадлар, манфаатлар билан туташади. Шундай экан, эркинлаштиришга бугун тарққиётимиз кафолатини таъминловчи муҳим ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий омил сифатида қаралмоқда. Унинг ижтимоий ҳаётда ижобий ҳал этиб борилиши тараққиётнинг муҳим кафолати бўлиб, демократик, эркин фуқаролик жамияти куришдек муҳим вазифаларни амалга оширишга кенг имконият яратади.

Фикримиз сўнгида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар қандай инсон эркинлиги объектив шарт-шароит ва вазиятга боғлиқдир. У мавҳум эмас, у доимо конкретдир. Шахс муайян шароит ва вазиятда тайин имкониятга таяниб аниқ мақсадга эришади. Аммо, шароит, вазият ва имкониятларга ҳамма ҳам бир хилда эга бўлмаслиги мумкин. Мақсадга эришишда кимгадир шарт-шароит, кимгадир мақсадга эришиш воситаси, кимгадир имконият етишмай қолади. Муайян вазиятда ва шарт-шароитда кимдир мақсадга эришиш учун эркинликка эга бўлиши ёки кимдир ундан маҳрум бўлиши мумкин. Шахснинг эркинлигини оширувчи омилларга у эгаллаган билим ва тажриба киради. Демак, инсон шахси доимо ўз устида ишлаши, ўз билим ва тажрибаларини такомиллаштириб бориши ҳамда эгаллаган илмий ва ақлий салоҳиятидан ўз ҳаётий фаолиятида унумли фойдаланиши унинг эркинлиги доирасини кенгайтирар экан.

1.3 Ҳуқуқ - шахс эркинлигини рўёбга чиқаришнинг муҳим шарти

Ҳуқуқ жамият аъзоларининг эркинликларини рўёбга чиқаришнинг муҳим шартидир. Агар инсон ўзи яшаётган, ўзи ишлаётган жамиятда эркин фаолият кўрсатишни истаса, у ўз эркинлигини бошқаларнинг ҳам эркин бўлиши учун маълум маънода чегаралиши даркор. Худди шу ҳолат ҳуқуқий муносабатларнинг намоён бўлишидир. Ҳуқуқ шунинг учун ҳам муқаддаски, у эркинликнинг зоҳир бўлишидир. Аниқроқ қилиб айтганимизда, эркинлик ҳуқуқда ўз ифодасини топса, тартиб-интизом қонунда расмийлаштирилади. Шунинг учун ҳам қаерда эркинлик чинакамига реалликка айланган бўлса, ўша ерда инсон ҳуқуқлари кафолатланган бўлади. Факат чинакам ҳуқуқ инсоннинг эркин фаолият кўрсатиши учун реал имкониятни вужудга келтиради. Ўз навбатида, чинакам ҳуқуқ оддий фуқародан тортиб олий даражадаги бошлиқларгача ҳар хил тазйиқлардан ҳимоя қилади. Бошқача айтганимизда, чинакам ҳуқуқ амалга ошиши учун зарур бўлган шарт-шароитни ўзига-ўзи яратади. Ҳар қандай ўзбошимчаликлардан, зўравонликлардан ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлади. Турли бош-бошдоқликлардан ўзини-ўзи эсон-омон сақлаб қолади.

Шу ўринда «ҳуқуқ» ва «эркинлик» тушунчалари ўртасидаги фарқ маълум маънода шартлидир. Эркинлик тушунчаси шахснинг мустақиллиги, унинг ички дунёсига ташқаридан таъсир кўрсатилишидан муҳофаза этилиши (виждон, динга эътиқод қилиш, фикр юритиш эркинлиги, бадий, илмий, техник ва бошқа ижод турларининг эркинлиги кабилар) билан маълум даражада боғлиқдир. «Ҳуқуқ» тушунчаси эса кўп даражада давлат томонидан рўёбга чиқариладиган ҳаракат, кўрсатиладиган хизмат ёки шахснинг маълум ижтимоий-сиёсий, ҳўжалик тизимида иштирок этишга ҳақли эканлигини билдиради¹⁹.

Ҳар қандай жамият, ҳар қандай давлат ўзининг ҳуқуқий нормаларига эга бўлади ва бу нормалар жамиятда тартиб-интизом ўрнатишга қаратилган бўлади. Жамиятда тартиб-интизом ўрнатишга қаратилган муносабатлар турли қонунларда ўз ифодасини топади. Ушбу қонунларда нимани қилиш, нимани қилмаслик, нимага аралашмаслик зарурлиги кўрсатиб берилади.

Машҳур файласуф Цицерон айтганидек, инсон кўпроқ эркин фаолият кўрсатиши учун қонунларнинг кули бўлмоғи даркор. Чунки қаерда қонун ўз таъсирини йўқотса, ўша ерда бош-бошдоқлик, ўзбошимчалик, зўравонлик авж олади. Қонун талабларига бўйсунмаслик, уни назар-писанд қилмаслик, олмон шоири Г.Гейне таъкидлаганидек, ўзини ҳимоя қилишдан воз кечиш демакдир. Чунки қонунлар кишини нафақат бошқа бировлардан, балки ўзини ўзидан ҳам ҳимоя қилади.

Демак, инсон ҳақ-ҳуқуқлари турли миллатга, турли элатга, турли ирққа, турли эътиқодга мансуб жаҳондаги барча кишиларнинг орзу-умидлари, истак-хоҳишларини ўзида мужассамлаштирган кенг қамровли фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий тушунчадир. Бошқача айтганда, инсон ҳақ-ҳуқуқлари инсоннинг

¹⁹ Бобоев Х.Б. Инсон ҳуқуқлари. Т.: Ўзбекистон, 1997, 103-бет.

инсондек яшаши ва фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган иқтисодий, сиёсий, маданий ва фуқаровий ҳуқуқларни ифодаловчи тушунчалар мажмуасидир. «Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари» тушунчаси буюк француз революцияси (1789) даврида қабул қилинган «Инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари Декларацияси»да биринчи маротаба ишлатилган эди. Ушбу декларацияда таъкидланганидек, ҳокимият ва халқ бир-бирларига нисбатан асрлар давомида тушуниб келинган «жаноб» ва «қул» эмас, балки тенг ҳуқуқ ва маъсулиятга эга кишилардир.

Замонлар ўтиши билан инсон ҳуқуқларига бўлган муносабатлар ҳам турлича талқин қилина бошланди. Хусусан, инсон ҳаётга қадам қўйиши билан - тенглик, шахс дахлсизлиги, мулкка эга бўлиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига эгаллиги алоҳида таъкидланди.

Инсоннинг ҳуқуқлари ҳеч бир тўсиқ билан чекланмаслиги зарур бўлган буюк инсоний қадриятдир. Худди шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқлари ҳозирги замон конституциявий ҳуқуқларнинг энг муҳим таркибий қисмидир.²⁰

Конституциявий кафолатлар инсоннинг тинч-осойишта, ҳур ва эркин, беҳавотир яшаши, ишлаши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишга хизмат қилди ва қилмоқда. Тажриба шундан далолат бермоқдаки, инсоният босиб ўтган тарихий тараққиёт жараёнида инсон ҳуқуқларининг қамров доираси узлуксиз кенгайиб борди. Хусусан XX асрнинг иккинчи ярмига келиб инсоннинг яшаш ҳуқуқи, у яшаётган ва ишлаётган муҳит мусаффолигини таъминлаш, яъни экологияси мусаффо табиий-ижтимоий муҳитни барпо этиш кафолатлана бошлади.

Инсон ҳақ-ҳуқуқларини кенгайтириш, уни ҳимоя қилиш XX асрнинг энг долзарб, умумбашарий муаммоларига айланиб қолди. Инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Бирлашган Миллатлар Ташкилот (БМТ)нинг тузилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг уставида инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва ҳурмат қилиш - ташкилотининг асосий мақсади эканлиги алоҳида кўрсатилган. Инсоният тарихида буюк француз революцияси анъаналарини давом эттирган БМТ Бош Ассамблеяси 1948 йилнинг 10 декабрида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»ни қабул қилди.²¹ Бундай ҳужжатнинг қабул қилиниши чинакамига тарихий аҳамиятга эга эди. Худди шу ҳужжатда тарихда биринчи маротаба жаҳоннинг барча давлатлари томонидан тан олиниши ва риоя қилиниши лозим бўлган инсон ҳуқуқларининг рўйхати белгилаб берилди. Энг аввало, бу халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, қонун олдида ҳамманинг тенглиги ва ҳақозо. Ўшандан буён ўтган йиллар давомида жаҳоннинг барча давлатлари қабул қилган қонунларида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг асосий талаблари ўз аксини топмоқда.

Инсон ҳақ-ҳуқуқларини кенгайтиришга халқаро ташкилотларнинг эътибори йилдан йилга ортиб бормоқда. Чунончи, 1966 йилда қабул қилинган

²⁰ Саидов А.С. Мустақиллик қомуси ва инсон ҳуқуқлари.// Мулоқот, 1999, 2-сон, 6-бет.

²¹ Қар: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси.// Мулоқот, 1991, №11, 13-16-бетлар.

иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга доир Халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пакт, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Хельсинки кенгашининг яқунловчи ҳужжати (1975), Янги Европа учун Париж хартияси (1990) каби халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама кенгайтириш ва уни ҳимоя қилиш муаммоларига эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиши билан мустабид тузум шароитида оёқ ости қилинган инсон ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш ва уни ҳимоя қилишга киришди. Инсоннинг асосий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Асосий қонуни - Конституциянинг умумий қоидалари ва олти бобдан иборат иккинчи бўлимида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Чунончи, Конституциянинг 13-моддасида қайд этилган умуминсоний принципларга мувофиқ, «инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади». Мамлакат «ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди»ган бўлди²². Бу қоидалар Ўзбекистон Конституциясининг энг асосий қоидаларидан бири бўлиб, унда инсон олий қадрият эканлиги расман эълон қилинганлигидан далолатдир. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига нақадар эътибор кучайиб бораётганлигининг яққол исботидир.

Инсонларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари унинг дунёга келиши биланоқ юзага келиб, улар давлат томонидан ҳимоя қилинади ҳамда шахснинг ҳуқуқий ҳолатини белгилайди.

Конституцияда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари янги тамойилларга асосланган ҳолда қуйидаги тартибда жойлаштирилган: дастлаб шахсий, кейин сиёсий, улардан сўнг эса ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар кўрсатилган. Бундай тартиб 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясига мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган 7-боби 8 моддадан иборат бўлиб, инсон ҳуқуқлари доирасига киритилган яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, айбсизлик презумпцияси, турар-жой дахлсизлиги, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш ҳуқуқи, ёзишмалар ва телефон суҳбатларининг сир сақланиши, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар билан танишиб чиқиш ҳуқуқи ва виждон эркинлиги бўйича ҳуқуқий кафолатлар берилган.

Шахснинг мазкур ҳуқуқлари дахлсиздир ва ҳар бир шахс уларга туғилиши биланоқ эга бўлади.

Конституцияда яшаш ҳуқуқи илк бор мустаҳкамланган. Яшаш ҳуқуқи кафолатланиши билан бирга, ўлим жазосини қўллаш ҳолларини анча камайтирадиган чоралар белгиланди.

²² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 2003, 11, 13-бетлар.

Инсоннинг шахсий ҳуқуқлари доирасига давлат томонидан шахснинг шаънини ҳимоя қилиш ҳуқуқи ҳам киради. Инсон шаънини ҳурмат қилиш тараққий этган жамиятнинг ажралмас белгисидир. Уни камситиш учун ҳеч нарса асос бўлиши мумкин эмас.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактнинг 14-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида баён қилингани каби, жиноий ишларда ҳар қандай айбланувчи унинг айби қонунда кўзда тутилган тартибда исботланмагунча айбсиз ҳисобланади, айбланувчининг ҳимояси учун қулай шароит яратади ва судни ҳақиқатни аниқлашга даъват этади.

Конституцияда шахсий дахлсизлик ҳуқуқи 27-моддадан жой олган бўлиб, шахснинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги билан тўлдирилади. Қонунда шахсий ҳаёт деганда ҳар бир шахснинг фақат ўзига тегишли бўлган ёзишма, телефон орқали суҳбат, телеграф ва бошқа хабарлар, тиббий, интим маълумотларини ошкор қилиши ва унга маънавий зарар етказиши мумкин бўлган бошқа ахборотлар тушунилади. Шунингдек, Конституция юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар билан бирга ҳеч кимнинг одамлар уйига кириши, тинтув ёки текширув ўтказиши, ёзишма ёки телефон орқали суҳбатининг махфийлигини бузишга ҳаққи йўқлигини англатади.

Шахс эркинлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ўз фикрини эркин баён қила олиш ҳуқуқидир. Худди шунинг учун ҳам инсон ҳақ-ҳуқуқлари унинг сўз эркинлиги билан боғлиқ. Чунки инсон инсондек яшаши, ишлаши учун, ўз фикр-мулоҳазаларини ҳеч қандай тайзиксиз ошкор қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи зарур. Ўз навбатида, ўз фикр-мулоҳазасини эркин ошкор қилиш - шахс ҳуқуқий камолотининг ҳам муҳим кўрсаткичидир.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, фуқаролар ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитларга эга бўлдилар. Мамлакатда бунёд этилаётган инсонпарвар, демократик жамият ҳар бир фуқарога ўз фикрини эркин баён қилиши, шунингдек уни ҳимоя қилиш учун Конституциявий кафолатлар яратди. Афсуски, мамлакатимиз фуқаролари Конституция белгилаб берган сўз эркинлиги, ўз фикр-мулоҳазаларини матбуотда эркин баён қилиш имкониятларидан тўла фойдаланаётганлари йўқ.

Конституциянинг 30-моддаси шахс ва давлат муносабатларида инсон ҳуқуқлари устуворлигининг ёрқин намунасидир. Хусусан, ўша ерда бундай деб ёзилган: «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари, фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятларини яратиб бериши лозим».

Шахс эркинлигининг яна бир муҳим кўрсаткичларидан бири бу - унинг виждон эркинлиги ҳуқуқига эга эканлигидадир.

1998 йил май ойидаги республика Олий Мажлисининг Х1-сессиясида қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги

қонун фуқароларнинг виждон эркинлигига қатъий қафолат берди. Виждон эркинлигининг қонун ёрдамида қафолатланиши халқаро демократия қоидалари, инсон ҳуқуқлари асосий декларацияси талабларини бажарилишининг ёрқин намунаси эди.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда ҳар бир фуқаронинг виждони, диний эътиқоди ва эътиқодсизлигига зўравонлик қилиш, қўрқитиш каби ғайриинсоний ҳаракатлар, тайзик ўтказиш мутлақо таъқиқланади. Диний ташкилотлар билан амалга ошириладиган турли муносабатлар қонун талабларига мувофиқ, диндорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва қимоя қилиш асосида олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакат фуқароларига умуминсоний қадриятлар, хусусан демократия талабларига мос тушувчи сиёсий ҳуқуқларни ҳам қафолатлаб берган. Конституциянинг 8-боби, 32-35 моддаларида инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари ва уларни қонун йўли билан қимоя қилинишининг қафолатлари асослаб берилган. Сиёсий ҳуқуқлар ҳар бир шахснинг жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва муносабатларида қандай иштирок қилишини белгилаб беради.

Шахснинг сиёсий ҳуқуқлари доирасига сайлов ҳуқуқи, референдумда иштирок этиш ҳуқуқи, умумхалқ муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқи, митинглар, йиғилишлар ва намойишларда иштирок этиш ҳуқуқи, жамоат бирлашмалари (сиёсий партиялар)га бирлашиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи, ваколатли давлат органларига, муассасаларга, халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқларидан иборат.

Инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири - унинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокидан иборат. Унинг бундай иштироки икки йўл билан амалга оширилади. Биринчидан, ҳар бир инсон жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок қилиш ҳуқуқидан, иккинчидан, ўз вакиллари орқали иштирок қилиш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин. Фуқароларнинг ўз вакиллари орқали иштирок қилиш ҳуқуқи уларнинг жамият ҳаётига доир масалаларни ўзлари ишонч билдирган вакиллар орқали ҳал этишда қатнашиш имкониятини беради.

Инсоннинг жамиятдаги сиёсий ҳақ-ҳуқуқларидан яна бири - сайлаш ва сайланиш ҳақ-ҳуқуқидан фойдаланишдир. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи инсонга ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўй-рост рўёбга чиқариш ва ушбу ҳуқуқни қимоя қилиш учун реал имконият яратади. Сайлаш ва сайланиш жараёнида ҳар бир киши ҳур ва озод яшашга, ишлашга дахлдор ҳуқуқ соҳиби, ўзининг ҳаёти учун мутасадди эканлиги, ўз тақдирини ўз қўли билан яратиш зарурлигини яққол намоён қилади. Инсон ҳақ-ҳуқуқларининг муҳим шаклларида бири ҳисобланган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида сайлов тўғрисидаги қонунлар билан қафолатланган.

Ҳар қандай шахс ўзида мавжуд бўлган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун сайлов тўғрисидаги қонунлар моҳиятини тўла илғаб

олмоғи зарур. Маълумки, инсоннинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини халқаро ҳуқуқ нормаларига мос тушувчи сайлов тўғрисидаги қонунлар қафолатлайди. Худди шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан халқаро демократия принципларига мос тушувчи сайлов тўғрисида қонунлар яратишга киришди. Сайлов тўғрисидаги қонунлар ёрдамида, биринчидан, фуқароларимизга мамлакатимизда ўтказиладиган сайловлар демократик бўлишига чинакам ишонч ҳосил қилдириш, иккинчидан, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини жаҳон демократияси талаблари даражасига кўтаришга қаратилган эди.

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини рўёбга чиқарувчи сайлов тўғрисидаги қонунлар тизими яратилди. Ушбу қонунлар тизими бир талай ўзига хос хусусиятларга эга эди. Биринчидан, сайлов тўғрисидаги қонунлар, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, яъни инсоний ҳақ-ҳуқуқларидан бири ҳисобланган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан оқилона фойдалана билиш малакасини шакллантиришга йўналтирилганлиги билан тубдан фарқ қилади. Иккинчидан, сайлов тўғрисидаги қонунлар ёрдамида фуқаролар турмуш тарзига халқаро демократия принципларини киритишга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Учинчидан, сайлов тўғрисидаги қонунлар ёрдамида миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклигини таъминлашга эътибор кучайтирилди.

Мамлакатимизда 1999 йилда ўтказилган сайловлар фуқароларни оддий кузатувчиликдан унинг фаол иштирокчиси даражасига кўтарди. Эндиликда сайловчилар сиёсий лоқайдликдан аста-секин қутилмоқдалар. Уларнинг онги ва фаолиятида ижобий томонга силжиш рўй бермоқда. Хусусан, Ўзбекистонда 1999 йилги сайловларнинг энг муҳим ўзига хос хусусиятларидан бири сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш имконияти яратилганлигидир.

Афсуски, фуқароларимиз маълум қисмининг онги ва фаолиятида ҳамон қўрқоқлик, сиёсий лоқайдлик мавжуд. Ана шундай ижтимоий иллат таъсирида бўлган кишилар «э, менга нима?», «мен кичик одамман», «менинг овозим ҳеч нарсани ҳал қилмайди» қабилида фикр юритиб, миллий истиқлол инъом этган ва Конституция қафолатлаб берган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан тўла фойдаланмаяптилар. Улар онги ва фаолиятида ҳамон бепарволик, боқимандалик устуворлик қилмоқда. Аксарият ҳолларда кўпчилик кимга овоз берса, улар ҳам ўшанга овоз бермоқдалар. Ўз ҳақ-ҳуқуқини танимаган, ундан фойдаланишни билмаган гумроҳ, манқуртсимон кишиларнинг бетайинлиги туфайли принципал, ҳақиқий ҳалол фидойи кишиларни сайловчилар қўллаб-қувватламаслик ҳолатлари содир булмоқда. Аксинча, халқ номидан гапириб амалда товламачилик қилиб юрган порахўрлар, каззоблар улоқни илиб кетмоқдалар. Халқ номидан гапириш ваколатига эга бўлмоқдалар.

Мамлакат фуқароларининг касаба уюшмаларга, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшишлари ҳам улар фойдаланадиган сиёсий

ҳуқуқлардир. Ҳар бир шахс ўзининг сиёсий ташкилотлар ёки жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқидан қанчалик самарали фойдаланса, бу унинг сиёсий жихатдан етук бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Инсоннинг сиёсий ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларидаги фаол иштироки унинг ўзлигини англаш ва ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиради²³.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида мамлакатимиз фуқаролари фойдаланадиган асосий сиёсий ҳуқуқлардан яна бири - фуқароларнинг митинглар, йиғилишлар, намойишлар қилиш ёки уларда иштирок этиш ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Конституцияда қуйидагича қўйилган: «Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга»²⁴.

Инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари унинг жамоат ва давлат ишларини бошқаришда қатнашиш, митинглар, йиғилишлар ва намойишларда иштирок этиш ёки унинг сиёсий ташкилот ва жамоат бирлашмаларига аъзо бўлишининг ўзи билан чекланмайди. Балки ўз талабларини қондириш мақсадида, давлат идоралари, муассасаларига ёки ўзи аъзо бўлган ташкилотларга ариза, шикоят, маълумотнома, таклифлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланади. Инсон ўзининг бу сиёсий ҳуқуқидан яқка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда фойдаланиши мумкин.

Конституция мамлакатимиз фуқароларига жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари кишиларига тенглаштирувчи катта иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни берди. Ҳар бир киши эркин меҳнат қилиш, ўзи ёқтирган касбни бемалол танлаш, хусусий мулк ҳуқуқи, ворислик ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш учун зарур бўлган нормал шарт-шароитни вужудга келтириш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқларига эга бўлди. Иш вақти, ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг давомийлиги қонун билан мустақкамланди. Шу билан бирга ҳар бир киши қариликда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминланиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи, турар-жой ҳуқуқи, ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи ва ижтимоий суғурта ҳуқуқларига эга бўлди.. Давлат инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоялашни, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқларини ҳам кафолатлади.

Конституциянинг 36-моддасига кўра, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли, банкка қўйилган омонатлар сир тутилади ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади. Бундан ташқари мулкка эгалик ҳуқуқи бошқа қонунлар асосида ҳам мустақкамлаб қўйилди. Бу ҳуқуқ «Ўзбекистон Республикаси

²³ Бобоев Х.Б. Инсон ҳуқуқлари, Т.: Ўзбекистон, 1997, 114-бет.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т., 2003, 8-бет.

Мехнат Кодекси»да, «Хусусий мулк тўғрисидаги қонун», «Конституциявий ҳолатлар тўғрисидаги қонун», «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун», «Тадбиркорлик тўғрисидаги қонун», «Майда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги қонун»ларда ўз аксини топган.

Дам олиш ҳуқуқи Асосий Қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида кафолатланган бўлиб, халқаро ҳужжатларга жавоб берадиган тарзда белгиланган. Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати Меҳнат Кодекси билан белгиланади.

Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи - шахснинг конституциявий ҳуқуқларидан биридир. Конституциянинг 39-моддасига мувофиқ: «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга».

1993 йил сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга асосан инсонларнинг ижтимоий таъминот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқи кафолати янада мустаҳкамланди.

Соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи ҳам инсонларнинг энг зарур ва муҳим ижтимоий ҳуқуқларидан бири бўлиб, у Конституциямизнинг 40-моддасида ўз ифодасини топган. Бундан ташқари 1996 йил 29 августдаги «Фуқаролар соғлигини ҳимоялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасида фуқароларнинг соғлигини ҳимоялаш ҳуқуқлари кўрсатиб берилган. Ҳар бир шахс даволаниш учун врачни ҳамда даволаш муассасасини танлаш ҳуқуқига эга. Бу имконият фуқароларга биринчи марта «Фуқароларнинг саломатлигини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда берилди.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Бу ҳуқуқ Конституциямизда ва «Таълим тўғрисида»ги қонунда кафолатланган бўлиб, унга кўра «Давлат келиб чиқиши, жинси, тили, ёши, ирқи, қайси миллатга мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий аҳволи, машғулоти тури, яшаш жойи, республика ҳудудида қанчадан бери яшаётганлигидан қатъий назар ҳар ким учун билим олишда тенг ҳуқуқлар яратиб берилади».

Республикамиз Конституцияси ижод эркинлигини мафкуравий доира билан чекламайди. Фуқароларнинг маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи биринчи марта Конституциявий мақом даражасига кўтарилди.

Инсонларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ер тўғрисидаги, мулкчилик тўғрисидаги, тадбиркорлик тўғрисидаги, кооперация тўғрисидаги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги, аҳоли бандлиги тўғрисидаги, деҳқон хўжалиги тўғрисидаги, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги, давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги, Меҳнат

кодекси, Фуқаролик кодекси, истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва бошқа қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади.

Ўзбекистонда инсон ҳақ-ҳуқуқлари фақат қонунлар ёрдамида эмас, балки фуқароларнинг инсоний кадр-қиммати, ор-номуси, шаънини ўзи англаши, халқимизнинг мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элатларнинг миллий урф-одатлари, расм-русумлари, байраму сайлларини тиклаш, миллий, умуминсоний қадриятлар муштараклигини таъминлаш йўли билан узлуксиз мустақамланмоқда. Буни биз республикаимизда фаолият юритаётган 1800дан ортиқ диний ташкилотлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Чунки, Ўзбекистонда 130дан ортиқ турли миллат вакиллари истиқомат қилишади. Табиийки, уларнинг диний эътиқодлари ҳам турли хил. Шу мақсадда улар ўз диний амалларини мустақил амалга оширишлари учун Ўзбекистон Мусулмонлар идораси, Рус Православ черкови, Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси, Евангелие, Христиан Баптистлар черковлари Иттифоқи, Рим-католик католик черкови, Тўлиқ Инжил христианлар Маркази, Ўзбекистон Библия жамиятлари фаолият юритмоқдалар²⁵.

Бир ибора билан айтганда, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш ва уни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган улкан тадбирлар эркин ва мустақил шахснинг шаклланиши учун реал имкониятларни вужудга келтирмоқда. Афсуски, мамлакатимиз фуқаролари катта қисмининг ҳуқуқий маданияти заифлиги Конституция кафолатлаб берган инсон ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш ва уни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган инқилобий ўзгаришларга тўсик бўлмоқда.

Инсон ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш ва уни ҳимоя қилиш жараёнининг бугунги ҳолатини аниқлаш мақсадида Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида комплекс социологик тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқот ишларига халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаётган қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, савдо, соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари, маиший хизмат ходимлари, тадбиркорлар, илм-фан сирларини ўрганаётган ўқувчи, талаба ёшлар, кексалик гаштини сурадиган нафақахўрлар, вақтинчалик ҳеч қаерда ишламаётган ишсизлар, уй бекалари, шунингдек жамиятнинг бошқарув механизмини ўз қўлларида ушлаб турган раҳбар ходимлардан ҳаммаси бўлиб 950 киши иштирок этди. Тадқиқотларда иштирок этган кишиларга «Конституция белгилаб берган ҳақ-ҳуқуқингиз рўёбга ошмоқдами?», деган саволга сўралганлардан 26,4% - «ҳа, рўёбга ошмоқда», 34,1% - «асосан рўёбга ошмоқда», деб жавоб беришган бўлса, 5,4% - «умуман рўёбга ошмаяпти», 2% эса - «билмайман» деб жавоб беришди. «инсон учун энг зарур ҳисобланган фазилатлардан бўлмиш ҳуқуқий маданият сизда ва дўстларингизда қай даражада шаклланган?» - деган саволимизга

²⁵ Жўраев. Н. Янгиланишлар концепцияси: яратилиши, эволюцияси ва амалиёти. Т.: Маънавият, 2002, 66-бет.

сўралганларнинг 11,4% - «юксак даражада», 47,7% - «ўрта даражада», 40,9% эса - «ниҳоят паст даражада» деб жавоб бердилар.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, бозор иқтисодиётига асосланган янги инсонпарвар, демократик жамият томон бораётган мамлакатимиз шароитида Конституция белгилаб берган жамият ва шахс манфаатларининг уйғунлашуви жараёни сустлик билан кечмоқда. Ўша сустлик, ўша сокинлик, ўз навбатида, гуманистик типдаги мустақил шахснинг қарор топиши жараёнига ғов бўлмоқда. Худди шунинг учун ҳам ўша ғовни ҳосил қилаётган сабабларни билиш мақсадида тадқиқотда иштирок этганларга: «Жамият ва давлат сизга берган мажбуриятларини бажараяптими?» - деган савол билан мурожаат қилинди. Саволларга жавоб берганларнинг 29,5% - «ҳа», 56,9% - «қисман», 10,1% - «йўқ», 3,5% - «билмайман» деб жавоб беришди. Берилган жавоблар, менинг фикримча, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш борасидаги ишларимизда ечимини кутиб турган муаммолар борлигидан далолат беради. Жамият ва давлат, фуқароларга берган ваъдаларининг сустлик билан амалга ошишига эса фуқароларимиз, жамиятнинг бошқарув механизмининг кўлида тутиб турган баъзи мансабдорларнинг онги ва фаолиятида маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, порахўрлик, каландимоғлик каби ғайриинсоний иллатларнинг ўрнашиб олганлиги сабаб бўлмоқда²⁶.

Шундай бўлишига қарамай, мустақиллик йилларида кўлга киритган энг буюк ютуқларимиздан бири - гуманистик типдаги ҳуқуқан етук кишининг тарих саҳнасига кириб келаётганлигидир. Ўз ҳақ-ҳуқуқини тўғри англаган инсонлар сони йилдан-йилга ортиб бориши билан одамлар ўзларининг ҳам, бошқаларнинг ҳам кадрига ета бошладилар. Ўзларининг инсоний ҳақ-ҳуқуқини таний бошладилар. Худди шунинг учун ҳам ҳуқуқий камолот шахс мустақиллигини ифодаловчи энг муҳим инсоний фазилатлардан биридир. Айти пайтда ушбу инсоний фазилат шахс мустақиллигини ифодаловчи энг муҳим аломатлардан бири ҳисобланади. Инсоннинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини таниш ва уни рўёбга чиқариш, қонун асосида яшаш ва ишлаш, ўз фикр-мулоҳазасини ҳар қандай шароитда ҳам эркин баён қилиш малакалари - шахс эркинлигининг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади.

1. Каримов.И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент. Маънавият-2008й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент. Ўзбекистон, 1998 й.
3. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент: Ўзбекистон, 1994 й.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий исикболининг асосий тамойиллари. Тошю Ўзбекистон, 1995 й.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, Тош. Шарк, 1998 й.
6. Йўлдошев. А. Эркинлик макони.//Мулоқот, 2004, 1-сон, 9-бет.

²⁶Каримов И.А. Адолатли жамият сари. Т.: Ўзбекистон, 1998, 109-бет.

7. Мирзаев Г.Эркинлик макони.//Мулоқот, 2004, 1-сон, 10-бет.
8. Эркаев А.Тафаккур эркинлиги.//Тафаккур, 2005, 2-сон, 6-бет.
9. Чориев С. Сиёсий ижтимоийлашиш муаммолари. // Жамият ва бошқарув журнаלי, 2005, 2-сон, 45-бет